

539 - وَعَنْ حَكِيمٍ بْنِ حَزَامٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْيَدُ الْعُلْيَا حَيْرٌ مِنَ الْيَدِ السُّفْلَى، وَابْدأْ بِمَنْ تَعُولُ، وَحَيْرٌ الصَّدَقَةٌ مَا كَانَ عَنْ ظَهْرٍ غَيْرِي، وَمَنْ يَسْتَعْفِفْ يُعِفَ اللَّهُ، وَمَنْ يَسْتَغْنِ يُعْنِيهِ اللَّهُ». مُتَّقِقٌ عَلَيْهِ . وَهَذَا لَفْظُ الْبُخَارِيِّ، وَلَفْظُ مُسْلِمٍ أَخْصَرُ [خ 1427، م .].[1034]

539. Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Юқори қўл қуи қўлдан яхшидир. (Садақани) қарамоғингдагилардан бошла. Садақанинг яхшиси беҳожатликда бўлганидир. Ким иффаталаб бўлса, Аллоҳ уни ифратли қиласди. Ким ўзини беҳожат тутса, Аллоҳ уни беҳожат қиласди», дедилар».

Муттафақун алаӣҳ.

Бу имом Бухорий ривоятидир. Имом Муслим ривояти бундан қисқароқдир.

Шарҳ: Демак, ўз ҳожатидан ортиқ нарсани садақа қилиш яхшидир. Ўзи муҳтоҷ бўлатуриб, ўзгага садақа қилиш эса мақбул эмас.

Инсон садақа қилганда ҳам аввало, ўз қарамоғидагилардан бошлаши керак. Чунки уларнинг нафақасини бериш вожибдир. Зотан, аҳли аёли муҳтоҷ бўлатуриб ўзгага садақа қилиш мантиққа ҳам тўғри келмайди.

Киши инфоқни ўз ҳожатидан бошлаши, кейин болалари ва хотинлари кейин ундан узокроғи қариндошларидан бошлаши керак. Албатта, қиласидан эҳсонини ўз қўли билан топган бўлиши, ўзи ва оиласидан ортириб ихлос билан адо этган бўлиши даркор. Шундагина Аллоҳ ҳузурида қабул бўлиши

осонлашади. Набий (с.а.в.) бойларнинг маблағларидан инфоқ қилишга чақириб, шу пайтни ўзида камбағалларни иффатли бўлиб, одамлардан тиланчилик қилмасликка ундейдилар. Ким Аллоҳдан иффат талаб қилса иффат билан уни ризқлантириб қўяди. Ким одамлардан беҳожат бўлишини сўраб, ўша нарсага йўл қидирса, Аллоҳ унинг учун раҳмат эшикларини очиб, беҳожатлик, иффат ва каромат сабабларига муваффақ қилиб қўяди.

Манба: hadis.islom.uz

